

## ЎЛИМНИ ҚАЙД ЭТИШ

Ўлимни қайд этиш марҳумнинг яшаш жойи ёки ўлим содир бўлган жойдаги ФХДЁ органи томонидан амалга оширилади.

Ўлимни қайд этиш тўғрисидаги ариза ўлим тўғрисидаги тиббий гувоҳнома берилган вақтдан бошлаб 3 кундан кечикмай берилиши керак.

Ўлимни қайд этириш тўғрисида марҳумнинг қариндошлари ёки яқин кишилари, шунингдек тиббий муассаса маъмурияти мурожаат этишлари мумкин, улар

Ўлим тўғрисида тиббий гувоҳнома ва марҳумнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этадилар.

Чет элликлар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ўлимини қайд этиш умумий асосларда амалга оширилади.

Чет элда вафот этган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ўлимини қайд этиш марҳум яшаб турган ёки ўлим содир бўлган жойдаги консуллик муассасаси томонидан амалга оширилади.

16 ёшгача вафот этганларнинг эса туғилганлик ҳақида гувоҳномаси тақдим қилинади. Бунда ФХДЁ органи ходими (консул) ҳужжатларнинг биринчи саҳифасига ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувининг рақами ва санасини ёзади.

Ўлим ҳақидаги гербли гувоҳнома фақат далолатнома ёзувидаги этишмайдиган маълумотлар тўлдирилгандан кейингина берилади.

Ўлимни фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида қайд этмасдан марҳумни дафн қилиш тақиқланади.